

# ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КҮРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «28» 4

2022-76-7-99-ХТ-сон

Нуробод ш.

Бундан бүён “БУЮРТМАЧИ” деб атaluвчи Нуробод тумани **Халк таълими булими** номидан О.Жаигиров бир томондан ва бундан бүён “ПУДРАТЧИ” деб атaluвчи Нурбулук Универсал хизмат МЧЖ номидан Э.Маматов, ушбу Шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича “Буюртмачи” пудрат ишларини қабул килиш ва тўлаш, “Пудратчи” эса буюрмачининг буюртмаси бўйича қўйидаги пудрат ишларини бажариш мажбуриятини олади:

№	Ишнинг номи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	14.04.2022 йилда берилган №69894 лотга асосан 44-мактаб биносини жорий таъмирлаш	140103495
	<b>Жами:</b>	<b>140103495</b>

килади 1.1. Шартноманинг умумий суммаси 140103495 (Бир юз кирк миллион бир юз уч минг турт юз туксон беш) сўмни ташкил

1.2. Ишни бошлаш ва топшириш мuddати: «21» апрел 2022 й. Тугаши: «21» июн 2022 й.

Батафсил баёни

1	Нуксон далолатнома, смета хужжатларига асосан мактабни смета хужжатларига асосан жорий таъмирлаш
---	--

Алоҳида шартлар

1	Бажариладиган ишлари сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилдиши шарт, бажарилган иш мутхасислар томонидан текшириб олинади
---	--

## 2. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичida конунчиллика мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни жорий таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг 10 банк иш куни ичida қабул қилиш-топшириш далолатномаси, бажарилган ишлар далолатномаси Форма-2 асосида тўлайди.

2.2. Шартнома нархи электрон савдо натижаси бўйича белгиланади ва ўзгартирилмайди, Шартномага кўшимча келишув тузиладиган холлар бундан мустасно.

2.3. Ишлар якупнлангандан кейин “Хизмат курсатувчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.

2.4. “Буюртмачи” далолатнома ва унга илова килинган бошқа хужжатларни олгандан кейин 10 банк иш куни ичida имзолангандан далолатномани ёки ишларни қабул қилишни асосли равишда рад килиш хотини “Хизмат курсатувчи”га юбориш мажбуриятини олади.

2.5. Рад килинган ҳолатда, ишларни қабул қилишни асосли равишда рад килиниши юзасидан камчилкларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича тамонлар ўртасида далолатнома тузилади.

## 3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда шартнома талаблари ва шартларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Шартнома шартларини бажарилишини бир томонлама рад килиш ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл кўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига белгиланган холлар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижроси таъминланган тақдирда Шартнома бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан пудрат ишлари муддатидан олдин бажарилдиши мумкин.

3.5. Хизмат ишлари бевосита Буюртмачининг маъсул ходимлари томонидан ишлар хажми ва уларнинг сифати қўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул килинади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

### 4.1. Буюртмачи

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган хужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқлиги

- савдолар голиби бўлган етказиб берувчи билан шартнома тузиш ёки савдолар голиби бўлган етказиб берувчи билан Шартнома тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги Шартнома мажбуриятларини бажариш туталлангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник хужжатларнинг асл нусхалари сакланиши учун жавоб беради.

4.2. Бажарилган ишларни танлаб олмаслик, шунингдек бажарувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни ишларни бажарганда, ишларни қабул килиб олшни асосиз равишда рад этганлик учун буюртмачи пудратчига қабул килиб олнимаган (ўз муддатида олнимаган) товарлар кийматининг 0,5 фоизи миқдорида миқдорида жарима тўлайди.

Кабул килиб олнимаган (олиш асосиз рад этилган) холларда, хизмат курсатувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу ишлар бажарилганлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, қабул килиб олнимаган (ўз муддатида олнимаган) ишлар киймати тўланишини талаб қилишга ҳаққидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асосиз равишда бутунлай ёки кисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошка шаклларида товарлар ҳакини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюрмачи хизмат курсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди

Бажарилган ишлар ҳакини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат курсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов, суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган

Кўриб чиқган юрист: **TAJLOV FAXRIDIN UMAROVICH**. Ҳужжат рақами: **PP6810052640**

**5. Хизмат курсатувчи:**

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;
- микдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

5.1. Агар бажарилган ишлар сифати, стандартлар, техник шартлар, конун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи қабул қилиш хамда уларнинг ҳакини тўлашни рад этиб, пурратчидан сифати лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳаки тўлаб кўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар бажарганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

**6. "ПУДРАТЧИ" ҚҮЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:**

6.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узилкесил хисоб килинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

6.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

**7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

7.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиккан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ўзаро ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ бевосита иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

7.3. Томонлар иктисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чиқилади.

**8. ФОРС-МАЖОР**

8.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралидаги 63-сонли "Енгиг бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида"ги карорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни кисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

**9.БОШҚА ШАРТЛАР**

9.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибига солинади.

**10. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

10.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. "31" декабригача амал қиласди.

10.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташабусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро хисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларни бажарилишини таъминлаган ҳолларда Шартнома бажарилган хисобланади.

10.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарлиқдан озод килмайди

**11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

«Ижрочи»

"Нурбулук Универсал хизмат" МЧЖ

«Буюртмачи»

Нуробод туман Ҳалқ таълими бўлими марказ

Манзил: Самарканд вил. Нуробод туман

Манзил Самарканд вил. Нуробод тумани

Тел./факс

х/в 20208000200905924001

Банк номи: Нуробод т, АТ Ҳалқ банк .Нуробод ф

МФО: 00740 СТИР 305671942

ОКОНХ:

Рахбар

Э.Маматов.

Тел.факс 633-12-63

х/в 1000228601823

Банк номи: Марказ

МФО 00014 СТИР

ОКОНХ 97600

Рахбар

ент ш.

О.Жангиров.

(имзо)

М.Ў.

М.Ў.



(имзо)

**YURIDIK AHAMIYATGA ӘГА HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY**

**X U L O S A**

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:** “Nurbulok Universal xizmat” ma’suliyati cheklangan jamiyati bilan 44-maktabga 140.103.495 (Bir yuz qirq million bir yuz uch ming turt yuz tuqson besh) so‘mlik haq evaziga xizmat ko‘rsatish to‘g‘risida.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:**

Nurobod tuman Xalq ta’limi bo‘limi tomonidan, 26.04.2022 yilda tuman YuXKMga huquqiy ekspertiza xulosasi uchun kiritilgan.

Loyiha O‘zbekiston Respublikasining “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi Qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil 27 aprel

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti**



**F.Tilavov**